

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Бекзоджон Валижонович Хасонбоев

Чирчиқ олий танк кўмондонлик мухандислик билим юрти Гуманитар фанлар
кафедраси педагогика ва психология цикл бошлиғи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муомала маданияти психологик аспектда таҳлил қилинган. Унда Шарқ алломаларининг муомала маданияти борасидаги қарашлари, муомаланинг шахс ижтимоийлашувидаги ўрни, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни маромга келтиришда муомаланинг аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: муомала, ахлоқ, теранлик, ирода, идрок, нутқ.

КИРИШ

Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган буюк аждодларимиз психологик нуқтаи назардан муомала муаммоси билан бевосита шуғулланмаган бўлсаларда, бироқ шахслараро муносабатларда унинг ўрни, аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада улар устоз билан шогирд таълимий-тарбиявий муносабатларида муомаланинг аҳамияти, мароми, уларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш, бу жараёнда нутқнинг етакчилиги, устуворлиги юзасидан бир қатор ибратли фикр-мулоҳазалар қолдирганлар. Бу аснода муаллимнинг шахсий фазилатлари, касбий маҳорати, донишмандлиги тўғрисида ҳикматли фикрларни, миллий ва умуминсоний ғояларни илгари сурганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Насир Фаробийнинг ижтимоий турмушда эгаллаган ўрни, мавқеи, обрўси турли хусусиятли ахборот (маълумот) узатиш, ўзга (нотаниш) одамларга таъсир кўрсатиш (ўтказиш), инсон ҳолатига тўғри баҳо бера билиш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш, вазиятлардан олиб чиқиш, имкониятни ташхислашга қобиллиги, шахснинг ўзига хослиги тўғрисида илмий-амалий фикрлар билдирган. Уларнинг таъкидлашича, муаллимнинг вазифаси доно давлат раҳбарининг вазифасига жуда ўхшаб кетади. Шу сабабдан бўлса керак, устоз кўрган ва эшитганларининг барчасини яхшилаб эсда сақлаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа (нотикликка) эга бўлиши ва шогирдларига айтмоқчи бўлган фикрини тўла

ва аниқ ифодадай олиши зарур. Бу борада аллома муомаланинг таркибий қисмлари, тузилиши, воситалари, шакллари, кўринишларининг ижтимоий турмушда юксак аҳамиятини, ролини таъкидлайди. Фаробийнинг мулоҳазасича, устоз нафақат фан билан шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини шогирдларига етказиши, бундай машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Устоз май истеъмол қилишдан ўзини тийиши, чин сўзли бўлиб ёлғонни ва ёлғон айтганни ёмон кўриши, фахмли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, шогирдларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишда қатийлик (қатиятлилик) кўрсата билиши лозим.

Уларнинг мулоҳазасича, бундай инсон одамийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади. Бундай киши ҳар қандай хатти-ҳаракатда хабардор бўлган ва интилишлар туфайли бахтга эриша оладиган одамлар. Мутафаккир устоз шахсига хос бўлган қатор фазилатларга холисона, оқилона шарҳ беришга эришган комил инсондир. Худди шу боисдан берилган (қолдирилган) шарҳлар, талқинлар, илмий иловалар ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Абу Али Ибн Синонинг уқтиришича, устоз матонатли, соф виждонли, ростгўй ва шогирдни тарбиялаш услубларини ҳамда қоидаларни яхши биладиган одам бўлмоғи шарт. Устоз шогирднинг бутун ички ва ташқи оламини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира билмоғи лозим. Унинг мулоҳазасича, шогирдга қаратилган ҳар бир сўзни устоз имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи жоиз. Таълимда ўқитиш шакллари ва усулларини тушунтириш борасидаги фикрлари ўз даври ўқитиш тизими учун юксак қийматга эга бўлган. Ибн Синонинг таърифлашича, устоз ўта билимдон инсондир. Устоз барча дунёвий билимдан, маънавият оламидан хабардор бўлмоғи керак, булар жумласига ҳисоб-китоб илми ҳамда яхшилик қилиш киради. Таъкидлаб ўтилган илмий категорияларни аниқлаштириш бўйича улар қуйидагича мулоҳаза юритади. Таълим жараёнида нимадир олинади; олинган нарса ҳамма вақт ҳам кўзга кўринавермайди, хусусан, яхши ном, хурсандчилик, соддалик кабилар. Алломанинг тахминича, қаерда алмашиниш мавжуд экан, шубҳа йўқки, ўша жойда ҳисоб-китоб ҳам мавжуддир. Оддий халқ тилида ҳисоб-китоб деганда, ўртоқлар ўртасидаги ўзаро фикр ва нарса алмашиниши тушунилади. Мақташ, рағбатлантириш алмашиниш сирасига кирмайди. Ақл-фаросатли одам ўзига ёққан ҳар қандай нарсани фойдали деб билади. Яхшилик мукофот ўрнини босолмаганидек, хулқ-атвор қаторига ҳам кира олмайди. Яхшилик асли беғаразликдан келиб чиқади. Унингча, устознинг барча ҳаракатлари фақат яхшиликдир.

Ибн Сино устознинг одамийлик, меҳрибонлик сингари характер хислатларига марказий категория сифатида алоҳида урғу беради. Билдирилган фикрлар бугунги кундаги маънавият моҳиятига ҳамоҳангдир.

Насриддин Тусий «Ҳарбийлар тарбияси ҳақида» деган рисоласида раҳбарнинг юксак инсоний фазилат (сифат)ларини чуқур шарҳлаб берган. Асарда илгари сурилган ажойиб ибротавуз ғоялар ичида раҳбар шахси олдида кўйиладиган талаблар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, раҳбар мунозара асносида инкор қилиб бўлмайдиган даражада исбот келтира олишни, ўз фикрининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса тоза, жумлалари мантиқан ўзаро боғланган бўлиши лозим. Раҳбар соф виждонли, ростгўй, шошмасдан, ишонч билан қатъий гапирадиган, баъзан эса шароитдан келиб чиққан ҳолда мулоҳим сўзлайдиган бўлиши шарт. Тусий раҳбарнинг нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қерда заҳарханда, кўпол ёки дағал бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Раҳбар ўз нутқида ашъвий далиллар, мақоллар, ота-боболаримиз, қадимги аждодларимиз фикридан мисоллар келтириши жоиз. Бу эса ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдалидир. Алломанинг ўғит-насихатлари, таълимоти ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Умар Ҳайёмнинг асарларида ҳам устознинг ижтимоий турмушдаги ўрни, мавқеи, кишилар билан муомаласи, муносабати, характер хусусиятлари, умуминсоний фазилатлари ҳақидаги фикр мулоҳазалари муносиб аҳамият касб этади. Унинг таъкидлашича, шогирдлар билимларни фақат устознинг берган маълумотлари ва китоб ўқиш орқалигина эмас, балки ҳаётини ҳодисаларни бевосита ўрганиш жараёнида, кўникма ва малакаларини эса амалиётда, айнан бир хил ҳаракат ва амалларни кўп мартаба такрорлаш, турли услубларни қўллаш натижасида эгаллаб оладилар. Унингча, таълимнинг амалиёт билан узвий алоқаси билимларни мустақил ўзлаштириш имконини яратади. Умар Ҳайём шогирдларга руҳий таъсир ўтказиши, кўрсатма бериш орқали ижодий изланиш фаолиятини фаоллаштириш тарафдори эди. Унинг илмий фарази муомала сеҳри, фаолият самарадорлиги, устознинг одоби ва назокати, шогирдлар билан ҳамкорлиги таълим билан тарбия маҳсулдорлигини ошириш шarti эканлигида мужассамлашади.

Алишер Навоий ўзининг бир қатор асарларида устознинг қобилияти, унинг обрўси, одоби, муомала маданияти, мароми, илм булоғи эканлиги тўғрисида мулоҳаза юритади. Унинг таълимий-тарбиявий қарашларида одоб, ахлоқ, муомала, теранлик, ақл-фаросатлилик, ирода кучи, характер-хислатлари (поклик, самимийлик, масулиятлилик ва х.к.) марказий ўрин тутаяди. Шунинг учун ижодкорлар,

устозлар ижтимоий турмушнинг ҳар қайси жабҳасида истеъдодли бўлиш кераклигини таъкидлайди. Навоий устознинг муомаласи, ширинсўзлилиги, эътиборлилиги ҳар жиҳатдан ибрат ва намуна бўлишлиги таълим-тарбия гарови эканлигига фикран ишора қилади. Уларнинг асарларида нутқ маданияти, муомала мароми, устоз билан шогирд муносабати, устоз донишмандлиги, иқтидор эгаси эканлиги тўғрисидаги бой материаллар жой олган. Навоий томонидан яратилган маталлар, афоризмлар, ўзаро муносабат мувофиқлиги, шахслараро муомала сеҳри бўйича фикрлари инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, улар шоирлар баҳси юзасидан мулоҳаза юритилганда ҳам муомаланинг коммуникатив, интерактив, персептив таркибларига аҳамият берган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Устоз-шогирд муносабати, сабоқ бериш усуллари, ҳамкорликни ташкил этиш хусусиятлари, ақлий теранлик, фикрий мантиқийлик, ҳиссий сезгирлик, жумбоқлик топшириқлар аҳамияти ва уларни ечиш йўл-йўриқлари А.Навоий ижодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу нарса унинг комил инсон назариясида, камолот (ҳам ақлий, ҳам шахсий) таълимотида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат, муомала мароми тўғрисидаги мулоҳазалар “Авесто”, “Қобуснома”, “Ҳотамнома”, “Қутадғу билиг” (Юсуф Хос Хожиб) каби таълимий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган дидактик асарларда ўзаро таъсир этиш ва ўтказишнинг психологик хусусиятлари, механизмлари ўз аксини топган. Санаб ўтилган асарларнинг барчаси муайян ижтимоий-психологик таълимотга асосланганлиги, одобнома, муомаланомма қабилида бўлганлиги туфайли тарбиячи-мураббийнинг шахсий-характереологик, касбий сифатларини шакллантириш босқичлари, даражалари, меъёрлари чуқур баён қилинган, изоҳлаб берилган ва таҳлил этилган. Одамлар билан муомала қилиш услублари, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи намоён этиш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи такомиллаштириш йўл ва воситалари юзасидан мулоҳазалар билдирилган.

Мамлакатимиз ижтимоий-тарихий тараққиётининг кейинги даврларида Аҳмад Дониш, Бедил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби ўз замонасининг илғор намояндалари, маърифатпарварлари бир даврнинг ўзида ҳам тарғиботчи, яъни ўзгаларга ижтимоий таъсир ўтказувчи, ҳам муаллим бўлганликлари сабабли «устоз-шогирд» муносабатлари, маънавияти, муомаласи, юксак ҳис-

туйғулари, жамиятдаги ўрни, шахслараро алоқадаги мавқеи, хулқ-атвори олдиға қатор жиддий, маъсулиятли талаблар қўядилар. Мазкур касбнинг эгаларида таъкидлаб ўтилган фазилатлар шаклланган бўлиши, фақат ана шундагина ахлоқ, одоб, муомала, интеллект даражалари бўйича жамият аъзолари ўртасида ибратли шахс сифатида гавдаланиши мумкин. Юқоридаги муаллифлар ижодида муайян умумийлик мавжуд бўлиб, у тараққиётнинг ҳаракатлантирувчиси ўқимишли, фидойий инсон, зиёли тарбиячи, ақл-заковатли кишилар эканлиги, ижтимоий онгнинг мезони сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрлардир.

Мамалакатимиз тараққиётини навбатдаги босқичида XX аср бошларида илғор ижтимоий-маънавий оқимлари қаторида жадиличлик ҳаракати вужудга келди. Жадиличлик ҳаракатининг йирик намояндалари Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту ва бошқа ижодкорлар, маърифатпарварлар ўз асарларида маданият, маънавият, муомала, шахслараро муносабат, ҳазрати инсон, эркин фикрловчи шахс муаммоларини тадқиқ этишга, тавсифини беришга, изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Миллий истиқлол, миллий ватанпарварлик туйғулари, муомала мароми, ижтимоий хулқ-атвор, миллий онг, мустақил фикрлаш, жанговар сафарбарлик ҳисси сингари миллий ғоялар уларнинг ижод маҳсулларини ташкил этади. Миллат умуминсоний маънавият ҳамда қадриятларни егаллаш (ўзлаштириш) учун билим олиши, зеҳнини, ақл-заковатини ўстириши, ижтимоий турмушда, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўз ўрнини топиши лозим. Уларнинг умумий қарашларига биноан, маънавият, маърифат, шахслараро, миллатлараро алоқа, муносабат ва муомалани илғор услублар ёрдами билан мақсадга мувофиқ амалга ошишини таъминлайди, деган юксак ғоя ётади.

Абдулла Авлоний таълим тизимини, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, мустақил, ижодий фикрлашга ўргатувчи услублардан фойдаланиш, устознинг малакасини ошириш ва бўлғуси мутахассисларни касбий тайёрлаш муаммосига янгича ёндашган маърифатпарварлардан биридир. Устознинг шахсий фазилатлари, муомаласи, ахлоқи, одоби, билимдонлиги, теранлиги, тийраклиги, топқирлиги, фаросатлилиги, ақл-заковатлилиги, бардошлилиги, зукколиги, изланувчанлигини таълим-тарбия учун асосий манба эканлигини таъкидлаб ўтади. Таълим устоз билан шогирднинг ҳамкорлик фаолияти, фаолликка асосланувчи тўғри ва тесқари алоқалар мажмуаси, шахсни камол топиш жараёни сифатида талқин қилинади. Уларнинг мулоҳазасига қараганда, ижодий изланиш, ўқиш ва ўқитишнинг янги шакли, услуби ҳамда

воситаларини қидириш устознинг энг муҳим хислатларидан бири бўлиши зарур. Устоз билан шогирднинг индивидуал фикр алмашиниши имкониятларни рўёбга чиқариш кафолати эканлиги уқтирилади. Авлоний таълимотида ҳамкорлик, муомала усулига ўргатиш устоз-шогирд муносабатини янги юксак даражага кўтарди. Унингча, муомала мулоқотнинг мажмуаси сифатида ҳурмат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини рўёбга чиқариб, шахслараро муносабатлар самарадорлигини ошириш воситаси тарзида хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўрта Осиё мутафаккирлари, мамлакатимиз маърифатпарварларининг бой илмий-назарий, амалий-тадбиқий, маданий-маърифий, маънавий- психологик меросига асосланиб, мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртлари сержантлар тайёрлаш мактаблари раҳбар ва бошлиқлар фаолиятига мутахассисларни таёрлашда унумли фойдаланмоқдалар, офицер ва сержант кадрлар тайёрлашда алломалар таълимотини қўлламоқдалар, уларнинг меросини ўрганмоқдалар ва тарғибот қилмоқдалар.

REFERENCES

1. Abulxanova-Slavskaya K.A. Deyatelnost i psixologiya lichnosti. — М.: «Nauka», 1980.
2. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq.- Т.: «Rahbar», 1992.
3. A'zamxo'jaeva E.A. Muomala maromining yosh xususiyatlari va dinamikasi. Psixol. fanl. nomz .dis... –Т.: «SHarq», 2002.
4. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человека знания.- М.: «Наука», 1977.
5. Антология педагогической мысли Узбекской ССР. (Под.Ред. С.Р.Раджапова, О.С. Аббасовой и др). – М.: «Педагогика», 1986.
6. A'zamxo'jaeva E.A. Muomala maromining yosh xususiyatlari va dinamikasi. Psixol. fanl. nomz .dis... –Т.: «SHarq», 2002.
7. Баратов Ш.Р. Социально – психологические и научно – практические основ создания психологической службы в Узбекистане. Автореф. дисс. докт. психол. наук.- Т.: «SHarq», 1998
8. Berdiev Ganji. Boshlang'ich sinf harbiylarida shaxslararo munosabatlarning o'ziga xos xususiyatlari. Psixol. fanl. nom. dissertatsiyasi.-Т.: «Sharq», 2000.